

Scientific Bulletin of Namangan State University

Volume 1 | Issue 2

Article 96

5-10-2019

BIOLOGY OF WEEDS

Suluv Sullieva

Termez State University

Kurbanalijon Zokirov

Termez State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Sullieva, Suluv and Zokirov, Kurbanalijon (2019) "BIOLOGY OF WEEDS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*: Vol. 1 : Iss. 2 , Article 96.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss2/96>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

BIOLOGY OF WEEDS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

БЕГОНА ЎТЛАРНИНГ БИОЛОГИЯСИ.

Суллиева Сулув Хуррамовна
Зокиров Курбоналижон Ғайбулло ўғли,
Термиз давлат университети.

Аннотация: ушбу мақолада кузги бүгдой даласидаги бир йиллик бошоқли бегона ўтлар ва икки паллали бегона ўтларнинг айрим вакилларини бартараф этиши бўйича фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: кузги бүгдой, бегона ўтлар, бир паллали ўсимлик, гербицид, бўгдойзор, ҳосилдорлик.

БИОЛОГИЯ СОРНЯКОВ

Суллиева Сулув Хуррамовна
Зокиров Курбоналижон Ғайбулло ўғли
Термезский государственный университет

Аннотация: в этом статье описывается идея уничтожения годового урожая озимой пшеницы и некоторых из двухседельных незнакомцев

Ключевые слова: озимая пшеница, сорняки, березовый завод, гербицид, пшеница, fertильность

BIOLOGY OF WEEDS

Суллиева Сулув Хуррамовна
Зокиров Курбоналижон Ғайбулло ўғли
Termez State University.

Abstract: This article describes the idea of destroying the annual harvest of winter wheat and some of the two-seat strangers

Key words: winter wheat, weeds, birch plant, herbicide, wheat, fertility

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иктисодий ривожланиш бўйича мамлакатимиз Президенти томонидан 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мухим ўрин эгаллайди. Олиб борилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, кузги буғдой даласидан тортиб, маданий экинларнинг бошқа турлари экилган майдонларда ҳам бегона ўтларнинг қўплаб турларини учратиш умкин.

Бугунги кунда таълим, ишлаб чиқариш, илмий соҳалрга ва қатор соҳаларга инновация кириб бормоқда. Шу муносабат билан фермерларнинг иктисодий жамғармасига зарар етказмаслик мақсадида бегона ўтларга ва касаллик келтириб чиқарувчи зааркундаларга қарши ерни ишлаш қайтида гербициidlар қўлланилса, бегона ўтлар миқдори жуда кам миқдорда униб чиқади, шу билан бирга зааркундалар миқдори ҳам камаяди [1.1.а.21], [3.76].

Аввалги тадқиқот тажрибаларимизда бегона ўтларга қарши гербицидларни 2 муддатда кўллашни тавсия этганмиз. Чунки кеч кузда ўзининг ҳаёт фаолиятини бошлаб, эрта баҳорда вегетация даврини тўхтатадиганлари, эрта баҳорнинг ўзида униб чиқиб, ўсиш, ривожланиш фазалари жадал борадиган буғдой билан рақобатга кириша оладиган бегона ўтлар, баҳор фаслининг ўрталарида униб чиқиб, баҳорнинг охирида, ёки ёз фаслининг биринчи ярмида ҳаёт фаолиятини тўхтатадиган, ёзниг бринчи ярмида униб чиқиб, кузнинг биринчи ярмида ҳаёт фаолиятини тўхтадиганлари мавжуд.

Кейинги тажрибаларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ёпиқ майдонларда, иссиқҳо-наларда етиштирилаётган сабзавот эканларидан мўл ҳосил олишда, шу майдонларга экинлар касалликларини йўқотиш, зааркундаларига қарши курашиш, мўл ҳосил олиш учун турли муддатларда ўғитлар бериш ҳам бегона ўтларнинг йўқолишига олиб келади[3.70], [3.32], [2.4].

Шундай бегона ўтлар борки, вегетация даврини эрта бошлаб, кеч кузда тутатадиган турлари ҳам бор.

Юртбошимиз томонидан ҳар бир соҳага инновация кириб бориши, фермер хўжаликларига ҳам тадбиқ этиш вақти келганлигини қайд этилди.

Кузги буғдой даласида икки паллали бегона ўтлар бир йиллик бошоқли бегона ўтларнинг ниҳоятда кўпайиб бориши Сурхон-Шеробод воҳасининг сугориладиган, ўтлоқи-тақир тупроқлари минтақасида тажриба тадқиқот ишлари олиб борилди[3.52], [3.18].

Гербицидлар ва бошқа кимёвий воситаларининг бир-бирлари билан аралаштириб сепилганда самарадорлик даражаси юқори бўлишилиги олимлар томонидан эътироф этилган.

Бу бегона ўтлар майса билан бароварига ривожланиб, деярли бир вақтда пишиб этилади. Буғдой дони билан бир хил катталиқда ва оғирлиқда бўлган ёввойи сули каби бегона ўтлар уруғини ажратиш жуда қийин бўлганлиги сабабли уруғлик билан аралашиб кўпайиб бораётир. Шунинг учун ҳам кузги буғдой даласидаги бегона ўтларни уруғланмасдан вегетация даврида экологик соғ гербицидлар воситасида бартараф этиш долзарб аҳамиятга эга.

Хозиргача ўтказилган тажрибаларда гранстар гербициди воситасида фақат 2 паллали бегона ўтларни, пумосупер гербициди орқали бир йиллик бошоқли бегона ўтларни бартараф этиш имкониятлари кузатилди. Далалардаги бегона ўтларга курашиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш мақсадида Сурхон-Шеробод воҳасининг сугориладиган ўтлоқи тақир тупроқлари минтақасида тажриба ишлари олиб борилмоқда. Ушбу бегона ўтлар айрим далаларда жуда зич, айрим далаларда эса жуда сийрак бўлсада, улар вақтида йўқотилмаса келгуси йиллари кенг майдонларга тарқалиб кетади. Лекин, айрим фермер дехқон хўжаликлари Крошка ва бошқа буғдой навлари даласида бегона ўтлар кўпайиб, ҳосилдорликка таъсир кўрсатмоқда. Бундай ноxуш ҳолатлар сабабларини ўрганишимиз жараёнида қуйидагилар аниқланди[1.1.6.13].

Буғдойзорларда бир йиллик бошоқли бегона ўтларни ёввойи сули (оқбош) бир йиллик 2 паллали бегона ўтлардан бартараф этишнинг энг мақбул ўйларини ишлаб чиқиши мақсадида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда[1.1.a.17].

Бу тадқиқот ишлари асосий кутилаётган натижаларни олиб бориши мақсадида қилинган ишлар: иқтисодий самарадорликни күтариш, иқтисодий кўрсаткичларни янада яхшилаш мақсадида бегона ўтларга қарши улар униб чиққан кунидан бошлаб, кузги буғдойнинг озиқа майдонига, унинг танасида кўплаб касалликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бегона ўтларга қарши кўплаб, гербицидлар қўлланилиб келинмоқда, улардан биостар, далестар кабилар экологик тоза гербицидлар ҳисобланади. Бу гербицидлар атроф-муҳитга ўсимлик, ҳайвонот оламига, сув, тупроқ, атмосферага хеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Сурхон-Шеробод воҳасида жойлашган, Қизириқ, Жарқўрғон, Шеробод, Музробод, Ангор ва Термиз туманларида суғориладиган ерларида етиштирилаётган қузги буғдойнинг дон ҳосилдорлигига жуда турлича. Бунинг асосий сабаби-ғаллазорларнинг бегона ўтлар билан ифлосланганлик даражаси ҳар хил эканлигидир.

Кузги буғдой ёзниг биринчи ярмида ўсиб, ривожланганлиги сабабли унинг ҳосилдорлигига бошоқли ва икки паллали бегона ўтларнинг зарари кўпроқ бўлишилиги аниқланди. Ушбу гуруҳларга мансуб бўлган бегона ўтлар майса билан бир вақтда ривожланиб, аксарият ҳолларда устунлиги қузатилиб, сув, озуқа, ёруғлик режимини бузади ҳамда ҳосилни йиғиштириб олишга ҳалақит бериши билан бирга донга аралашиб, сифатини пасайтиради. Шу сабабли ҳам кузги буғдой далаларини баҳорги кезларда экологик соғ ва самарали гербицидлар воситасида бегона ўтлардан тозаланишига эришиш долзарб масала ҳисобланади [1.1.a.13].

Ҳозиргача ўтказилган тажрибаларда “Гранстар” гербициди воситасида фақат икки паллали бегона ўтларни бартараф этиш усули ишлаб чиқилган бўлиб, ёввойи сули ва бошқа бошоқли бегона ўтларга қарши курашишнинг илмий-амалий асослари ишлаб чиқилмаган. Натижада охирги йилларда суғориладиган ерлада етиштирилаётган буғдойзорларда бошоқли бегона ўтлар тобора кўпайиб, ҳосилдорлик кескин пасайишига сабаб бўлмоқда.

Далалардаги бегона ўтларга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Сурхон-Шеробод воҳасининг суғориладиган, ўтлоқи-тақир тупроқлари минтақасида “Намуна” фермерлар уюшмасида дала тажрибалари ўтказилди.

Тажриба учун икки паллали бегона ўтларни бартараф этиш учун “Гранстар” (15 г/га) бошоқли бегона ўтларга қарши “Пумо супер” (1 л/ га) гербициidlари олиниб, улар алоҳида-алоҳида ва биргаликда аралаштириб, эритилиб 20 март ва 10 апрелда қўлланилди. Гербицидлар ва бошқа кимёвий воситаларнинг бир-бирлари билан аралаштирилиб сепилганида самарадорлиги юқори бўлишилиги бошқа олимлар томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, “Гранстар” ва “Пумо супер” гербицидлари аралаштирилиб, бир марта қўлланиб икки паллали ва бошоқли бегона ўтларни бартараф этиш усули илк бор ўрганилмоқда.

Даладаги жами бегона ўтлар сони 1 м² майдончада 20 марта аниқланганда, ўртача 120 донани ташкил этиб, унинг 58 таси икки паллали, 37 таси бошоқли, 25

таси ҳар иккига гурухга мансуб ва мансуб бўлмаган бошқа бегона ўтлардан иборат бўлди.

10 апрелда инақланганида уларнинг сони янада кўпайганлиги кузатилиб, 1 м² майдончадаги жами сони 164 дона бўлиб, унинг 81 таси кенг тарқалган икки паллали, 48 таси бошоқли ва қолгани бошқа турларга мансуб бўлган ҳамда икки паллали, бошоқли бегона ўтларнинг кам учрайдиган бошқа турларидан иборат бўлди. Кейинти кузатувларда бегона ўтлар сони деярли ўзгармаганлиги кузатилди.

Икки паллали ва бошоқли бегона ўтларни бартараф этишда қўлланилган гербицидларни танлаб таъсир этиш хусусиятини ҳисобга олиб, икки паллали бегона ўтларни бартараф этиш учун “Гранстар” (15 г/га), бошоқли бегона ўтларга қарши “Пумо супер” (1 л/ га) гербицидлари алоҳида- алоҳида ва биргалиқда, аралаштири-либ, 20 март ва 10 апрелжга қўлланилди. “Гранстар” гербициди икки паллали бегона ўтларга қарши 20 марта қўлланилганнида уларнинг турларига боғлиқ равишда 84-100 % гача нобуд қилиши кузатилиб, 10 апрелда қўлланилганнида эса 90-95 % гача бартараф этиши кузатилди. Яъни, “Гранстар” гербициди 20 марта қўлланилганнида ёввойи тожихўroz ва дала ранг ўти 100, оқ шўра 85,7, татар олабутаси 87,5, хушбўй шўра 98,9, чумчук тили эса 81,5 % нобуд бўлди. Бироқ “Гранстар” гербициди 10 парелда қўлланилганидаги таъсири бирмунча юқори бўлиб, барча турдаги кенг тарқалган бегона ўтларнинг 90-100 фоизи нобуд бўлиши кузатилди.

Шунингдек, “Пумо супер” гербициди (1 л/ га) ёввойи сули ва бошқа бошоқли бегона ўтларга қарши 20 марта қўлланилганнида бундай бегона ўтларнинг 98,9-92,9 фоизини, 10 апрелда қўлланилганнида бошоқли бегона ўтларнинг бирмунча бақувватлашганлиги сабабли 20 марта қўлланилганидагига нисбатан таъсир этиш даражаси 1,7-1,2 %га пасайганлиги кузатилди. Ушбу кўрсаткич ўртacha маълумот бўлиб, “Пумо супер” 20 марта қўлланилганнида ёввойи сулининг 14 тасидан 13 таси, итқўноқнинг 13 тадан 12 таси, шамакнинг 12 тадан 11 таси, 10 апрелда қўлланилганнида эса 19 та ёввойи сулининг ўрта ҳисобда 17 таси, итқўноқнинг 16 тадан 15 таси, шамакнинг 13 тадан 12 таси нобуд бўлиши кузатилди.

Кузги буғдой даласидаги икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга гербицидлар воситасида қарши курашища “Пумо супер” (1 л/ га) ва “Гранстар” (15 г/га) гербицидларининг тегишли меъёrlарини биргалиқда аралаштирилиб, қўлланилиши юқори самара бериши кузатилди.

Икки паллали, бошоқли ва бошқа бегона ўтлар гербицидлар аралаштирилиб, биргалиқда қўлланилганнида бошқа турдаги бегона ўтларнинг нобуд бўлиши 20 марта қўлланилганда 20 % ни ташкил этгани ҳолда, 10 апрелда қўлланилганнида ушбу кўрсаткич 57,2 % га teng бўлди.

Гербицидларнинг биргалиқда қўлланилиши нафақат Сурхондарё вилояти, балки мамлакатимизнинг барча сугориладиган ерларида этиштирилаётган қузги буғдойни икки паллали ва бошоқли бегона ўтларнинг салбий таъсиридан сақлаб қолиб, мўл ва сифатли ҳосил этиштиришга ёрдам беради.

References:

1. Vasilchenko I. T., Pidotti O. A. Opredelitel sornyx rasteniy rayonov oroshaemogo zemledeliya. M.: «Kolos», 1970.-367 s.
2. Xamroev A. SH. va boshqalar. G'alla va sholini zararkunanda, kasalliklar va begona o'tlardan himoya qilish. O'zR Vazirlar Mahkamasi huzuridagi davlat kimyo komissiyasi. Toshkent, 1999. -71-85 b.
3. Vitsenko V.P., Kolyushnikov V.T. Primenenie pod kukuruzu jku i gerbitsidov. //J: «Ximizatsiya selskogo xozyaystva». №2, 1990.-71-72 s.
4. Vorobev G.YA. Ispolzovat ves arsenal sredstv v borbe s sornyakami. //J: «Zemledelie». №4, 1986.-11-12 s.
5. Sedelnikov M.P. Prekratit bezdumnuyu ximizatsiyu zemledeliya. //J: «Zemledelie». №10, 1990.-21-23 s.
6. Taskaeva A.G., Taskaev V.P. Opredelenie koeffitsienta vrednosnosti sornyakov. //J: «Zemledelie». №8, 1990.-73-75 s

УДК: 582.232:275.574.5.633